

16.04.2020 й.

Жиззах шаҳри
«Зафаробод пахта тозалаш»
акциядорлик жамияти раҳбарига**Ижобий**
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ушбу аудиторлик хулоса «Зафаробод пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмуриятига тақдим этиш учун тайёрланди. Юридик манзили: Зафаробод тумани, Зафаробод шаҳри, Нодирабегим кўчаси 1-уйда жойлашган. Солиқ тўловчи сифатида Зафаробод туман Давлат хизматлари Марказида рўйхатга олинган бўлиб, 201373163 сонли СТИР кодига, ХХТУТ буйича 17111 кодига ва ОАТБ «Агробанк» Зафаробод филиали (МФО 00134) да 20210000300399033001 сонли асосий ҳисоб рақамига ва бошқа махсус ҳисоб рақамларига эга, ОКЭД 13101.

Мен, МЧЖ шаклидаги «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилотининг аудитори Н.Бўстонов (*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №04913-рақамли аудиторлик малака сертификат 22.01.2011 йилда берилган, 22.01.2021 йилгача мuddати узайтирилган*) томонидан хўжалик юритувчи субъект «Зафаробод пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 1 январдан 31 декаргача даври учун тузилган 1-шакл «Бухгалтерия баланс» ва 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот», «Хусусий капитал ҳақидаги ҳисобот» лардан иборат «Молиявий ҳисоботи» нинг ишончлилигини 2020 йил 20 февраль куни тузилган №25-сонли шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим. МЧЖ шаклидаги «MASLAXATAUDIT-M» АТга Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2013 йил 23 июлда берилган №658-сонли гувоҳнома ва аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан 2019 йил 1 апрелда 00751-сонли лицензия берилган. Юридик манзил: Жиззах шаҳри, Байналминалчилар кўчаси, 5-уй. Ҳисобрақами 20208000404136258001, «Ипотека банк» АТИБнинг Жиззах филиали, МФО 00122, ИНН 203679800, ОКОНХ 84400, №33-О/001-рақамли сугурта полиси «Кафил-сугурта» сугурта компанияси томонидан 2020 йил 4 январда берилган.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз «Зафаробод пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Зафаробод пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ «Маслахатаудит-М» АТ
бош директори:

Аудитор:



М.Гулбаев

Н.Бўстонов